

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ КОСМИК ОДИМИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқishi.

№ 190 (4437).

24

СЕНТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

1970 йил

Баҳоси 2 тийин.

АВТОМАТ «ЛУНА-16» СТАНЦИЯСИНИНГ КОСМИК РАКЕТАСИ ЕРГА ТУШИБ КЕЛМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

Автомат «Луна-16» станциясининг космик ракета-си 1970 йил 21 сентябрда Ойдаги тулпардан намуна олиб, Ойдан парвоз қилганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

Космик ракета 22 сентябрь Москва вақти билан соат 10 да ердан 306 минг километр масофада эди. Олис космик алоқа маркази ракета билан радио орқали махкам алоқа қилиб турибди. Навбатдаги сеансларда траектория ва телеметрия ўлчашлар бажарилади.

Ракета бўлиналарида босим ва температура белгиланган доирада сақланмоқда.

«Луна-16» автомат станциясининг космик ракета-си парвозини тамомлашга яқин қолди. 23 сентябрда Москва вақти билан соат 11 дан

40 минут ўтганда космик ракета Ердан 185 миң километр масофада эди.

Ракета билан радио орқали доимий алоқа бўлган. Ракета ичидан ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. Ракетанинг приборлар бўлмаста ва қайтариб келтирилган аппаратда босим симоб устунининг 760 миллиметрга тенг, ҳарори цельсий бўйича плюс 1 даража.

Траектория ўлчовлари маълумотлари қайтариб келтирилган аппаратнинг Ер атмосфераси ичига тушганини ва унинг қунадиган райони аниқлаб олишга имкон берди.

Қайтариб келтирилган аппарат 24 сентябрь Москва вақти билан соат 8 дан 20 минут ўтган, Қозғоғистон ССР территориясига қунади.

ОЛАМШУМУЛ МУВАФФАҚИЯТ

«Луна-16» автоматик станциянинг Ой сатҳига юмшоқ қўниб, Ер томон қайта парвоз қилиши ғоят қувончли хабардир. Бу катта муваффақиятдан пахтакорларимиз, механизатор ва теримчиларимиз беҳад хурсанд бўлишарди. Улар автоматик станциянинг яратувчиларига инженир, олим, конструкторларга кишини ҳайратда қолдирадиган фаннинг янги мўъжизасини яратганликлари учун офаринлар айтишмоқда.

Автомат станция бугун Ерга қунади. Унинг муваффақиятли Ерга қўнишини сабрсизлик билан кутаётган пахтакорларимиз ингим-теримда гайратига-гайрат қўшиб ишламоқда. Улар совет фаннинг янги зафаридан руҳланиб, ингим-теримни тезроқ тугаллаш, Батинга ҳар йилдан мўл ва сифатли пахта етказиб бериш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Биз қувончларга тўла бу йилни қўнғилдайдик яқинлаш учун бутун куч-гайратимизни сарфлаймиз.

О. ТУРОВОВ,
Оққўрғон районидаги Вотицев номи колхоз раиси.

АВТОМАТИК КОСМОНАВТНИНГ БИРИНЧИ ҚАДАМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги, республика Олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов ўз таълим муассисаси билан қилган суҳбатда бундай деди:

«Луна-16» станциясининг конструкциясида, унинг парвозини ҳисоблаб чиқиш ва таҳкил этишда ҳозирги замон фан ва техникаси эришган энг олий муваффақиятлар ўз ифодасини топди. Шу нарса кишини ҳушуд этадики, кинотини билиш учун бу янги қадамни Совет мамлакатини қўйди.

Эксперимент ўтказиётган программанинг кенглиги кишини ҳайратда қолдиради. Станция ва унинг иштирагидаги агрегатлар Ердан бериб турилган командага мувофиқ ўнлаб, юзлаб мураккаб ҳаракатларни бажарди. Гарчи кеманинг ичидан учувчилар бўлмаса ҳам, «Луна-16» станциясининг парвози пай-

тида ана шу станция бажарган барча операциялар пайтида инсоннинг иштироки яққол сезилиб турди.

Станциянинг берилган программаларида ҳам, қўнган-қўн бўйруқлар бериб турадиган, бир онда бажариладиган электрон ҳисоблаш машиналарининг мураккаб ҳисобларида ҳам, экспериментнинг барча босқичларида ғоят аниқ мукаммалликда ҳам инсоннинг ақл-заковати, астойдил дадиллиги ўз ифодасини топгандир.

Биз космик техниканинг янги йўналиши яратилганга бир вақтда яшамоқдамиз. Юлдузлар оламини инсон билан бир қаторда автоматик космонавт ҳам чиқмоқда.

Фан кинотини тушуниш ва космик жисмларни ўзлаштиришнинг янги воситаларига эга бўлди.

ОҚҚҮРҒОН, БҮКА, ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИ ОЛДИНДА БОРМОҚДА.

БЕКОБОД, ЯНГИЙҮЛ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ, ОРЖОНИКИДЗЕДА СУРЪАТ ҲАМОН ПАСТ.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ, ТЕРИМ СУРЪАТИГА—СУРЪАТ ҚЎШИНГ!

368.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ Тўғрисида 23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир тонна таёр- ерилган пахта	Масу- дан бери	Машин- дан бери	Масу- дан бери
Оққўрғон	4,81	33,89	4,79	31,48
Бўка	4,32	31,71	4,26	25,17
Ўрта Чирчиқ	3,79	24,55	3,14	17,52
Бекобод	2,48	19,13	1,78	8,22
Оржоникидзе	2,12	17,73	2,10	2,10
Янгийўл	2,62	16,53	1,08	2,92
Юқори Чирчиқ	1,49	5,73	0,78	1,11
Область бўйича	3,53	24,46	3,24	18,77

УЛКАН ХИРМОНГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

Пахтакор дехқонлар шу кеча-қундузда гайрат билан меҳнат қилишарди. Уларнинг инти-
тиш-қувончлари ҳосилдан тиз-
роқ йиғиштириб олини, «оқ ол-
тин»дан улкан хирмон қуриши.
Бу йўлда колхозчилар, механиз-
атор ва мутахассислар астойд-
ли тер тукишарди. Қун са-
йин пахта хирмони кўкка буй
чўзиб бормоқда.

Шу долзарб кунларда биз
ишчилар ҳам дехқонларга
яқиндан ёрдам кўрсатиш, кол-
хоз хирмонига муносиб ҳисса-
ларини қўйиш учун пахтазор-
ларга чиқарилди. Шанба, як-
шанба кунлари бутун коллек-
тивимиз райондаги Фрунзе
номи колхоз пахта далаларида
ишламоқдалар. Ўтган дам
олиш кунларини ҳам ана шу
колхоз далаларида ўтказдик.
Фабрикаимиздан 200 ишчи ва
мутахассис пахтакорлар билан

бир сафда туриб, «оқ олтин»
тердилар. Шу кунгача биз
колхоз хирмонига 10 тоннадан
ортиқ пахта тўқдик.

Бундан ташқари фабрика-
имиздан 40 ишчи колхоз дехқон-
ларига доимий ёрдам бермоқ-
далар. Чепар теримчилар-
дан А. Файзинова, Л. Турдику-
лова, Ю. Эргашева, Н. Касица-
на, Х. Нурматова, У. Шукур-
боевалар ҳар кун 50—60
килограммдан пахта теришар-
ди.

Коллективимиз колхоз дех-
қонларига ингим-терим масу-
ларини охиригача қўмақдош бў-
либ, уларнинг пешона тери
билан бунёд этилган қиммат-
баҳо хом ашёни ингим-терим
олишда бутун куч-гайратини
аямайди.

В. КАРИЧАНОВ,
Янгийўлдаги мебель фабри-
касининг директори.



Кочали Абдиев бошлиқ эвено пахтакорлари Ўрта Чирчиқ райо-
нидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пешқадам звенолари-
дан ҳисобланади. Улар бу йил 35 гектар пахта майдонининг ҳар гек-
тардан 30 центнердан ҳосил қўтаришга бел боғлаганлар. Ингим-
терим қизғин тус олдиралаётган шу кунларда эвено бошлиғи ма-
шина рулида жавлон ураётди. У мавсумда 100 тоннадан ошқ пах-
та-терим бериш мажбуриятини олган.

А. Абалия фотоси.

Бўка райондаги
Фрунзе номи колхоз-
ининг қариялари пахта-
зорларга чиқдилар.
Улар кекса пахтакор
Ўринбой Салимов бош-
чилигида колхоз пахта-
зорларида «оқ олтин»
териммоқда. Ҳозирги
кунда 30 дан ортиқ қар-
иянинг ҳар бири 50—
60 килограммдан пах-
та териб, колхоз хир-
монига ўз ҳиссаларини
қўшмоқдалар. Суратда:
ингим-теримда қатна-
шаётган қариялардан
бир гуруҳаси.

О. Абдураҳмонов
фотоси.



ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ БРИГАДАДА

Шийпонда колхозчилар дам-
олиб ўтиришарди. Қўн сўйил-
ган, дастурхон мева-чева, ёз-
ноз-неъматлари билан тўқди.
Шийпон пештоқида қизил бай-
роқ ҳиллаб турибди.

—Сиз ҳам дейман, қайнона-
си сўйган ингиллардансизда,—
деди қизилбайроқ бригада
бошлиғи коммунист ўртоқ Ас-
кар Расулов.—Кечаги беш кун-
лида пахта териш ва давлат
та топиришда бригадалар
ўртасидаги социалистик мусо-
сақда биринчилигини олди.
Шу сабабдан колхоз правле-
неси ва партия ташкилоти
бригаданини қўй, 20 сўм пул
ва кўча Қизил байроқ билан
мукофотлади.

Колхозчилар энди овқатла-
ниб бўлишган ҳам эди радио-
дан кишлоқ хўжалик ходимла-
ри учун бериладиган ешти-
риш бошланади. Мириқиб дам
олган колхозчилар яна пахтазор
томон йўл олишди.

Шу кунги бригаддаги 20 те-
римчи 1264 килограмм пахта
терди. Бу ҳар бир теримчи
ўртача 63 килограммдан тўғри
келади. Бригадада терим нор-
маси 50 килограмм эди.

Колхозчи Қарима Ойнақуло-
ва шу кун 117 килограмм,
Ўртиқ ола Расулова 112 ки-
лограмм, Зулфия Аҳмаджо-
ва 100 килограммдан «оқ ол-
тин» тукишди.

Ўрта Чирчиқ районидаги
Карл Маркс номи колхоз-
ининг бу бригада аъзолари
156,5 гектар ерда пахтадан
мўл ҳосил етиштиришди. Улар
давлатга 425 тонна пахта ет-
казиб бериш мажбуриятини
олишган. Бригадада 130 гек-
тар ердаги пахта маши-
наларда териб олинди.
4 та «зангори кема»
катта хирмонда «бўйруқ» қу-
тиб турибди. Ўтган йилги
огир шаронда 50 тонна пахта
терган механизатор эвено
бошлиғи ўртоқ Холмурод
Умаралиев бу йил «ХТ-1.2»
машинаси билан 120 тонна
пахта териш мажбуриятини
олди.

У ҳозир ўзига ажратиб берил-
ган карталардаги ўнариқларни
текислаб, агрегат қайтадиган
жойларни текисламоқда.

Т. ИҶЛДОШЕВ.

РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Марказий статистика
бошқармасининг хабар бериши-
ча, республика саноат корхона-
лари коллективлари КПСС
XXIV съездини муносиб кутиб
олишга тайёрганиб маҳсулотини
реализация қилиш ҳажми ва
энг муҳим буюмларининг бир
қанча турларини ишлаб чиқа-
риш бўйича тўққиз ойлик план-
ни муддатидан олдин — 23 сен-
тябрда бажардилар.

(ЎзТАГ).

ШАҲАРЛИКЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Бўка район пахта далаларида
икки дам олиш кунда цемент-
чилар, шахтерлар, курувчилар,
ишчи ва хизматчилар пахта те-
римда қатнашдилар. Шаҳар-
нинг 2806 аҳолиси пахта тери-
мида иштирок этди. «Тенино-
бод» колхозининг аъзолари шу
кун ишчилар туфайли ўз
кучлари билан терилганидан
ташқари 14 миң килограмм кўп
пахта топиридилар. Бунинг
Ангрендаги ГРЭС ишчи, хизмат-
чилари териб берди. Оқунбобо-
ев номи, Свердлов номи ва
бошқа хўжаликларнинг аъзола-
ри ҳам ерданчилардан миннат-
дор бўлидилар.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

23 сентябрда Кремлда СССР
Олий Совети Президиумининг
раиси Н. В. Подгорний ва СССР
Министрлар Совети Раисининг
биринчи ўринбосари Д. С. По-
лянский Ҳиндистон Республика-
сининг президенти Варахагир
Венката Гир билан учрашди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЎЗ ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ Тўғрисида 23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан
процент ҳисобида)

ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,4	126,0
Янгийўл	2,0	85,0
Юқори Чирчиқ	3,2	80,7
Оққўрғон	2,6	79,2
Бўстонлиқ	0,8	73,9
Область бўйича	2,7	81,3

Хўжаликка партия раҳбарлигини яхшилашлик

БЕШ ИЛИК ИЛГОРЛАРИ

2-Далларин, совхоз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 7200 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқдалар. Инда бошидан бери қилинаётган бетиним меҳнат бугун ўз самараларини кўрсатиб турибди. Совхоз дала-ларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Шуниси кувонч-лик, майдонларнинг асосий қисмидаги ҳосил машиналар билан териб олинади.

Совхознинг 14 та «Ўзбекистон» ва 54 та «ХТ-1.2» пахта териш машинаси бор. Механи-заторлар 43 агрегатлари бу-неридан 4800 тонна «оқ ол-тин» тўғишга аҳд қилганлар. Совхоз партия ташкилоти ком-мунистлар ва бarcha меҳнат-кашлар диққат-этиборини етиштирилган мўл ҳосилни тўла-тўқис йиғиб-териб олишга қаратмоқда.

Совхоз коммунистлари хўжа-ликда чорвачиликни ривожлан-тириш ва уни рентабелли со-ҳага айлантириш учун ҳам

лиқни ривожлантиришга ҳам тааллуқли эди. Ишлаб чиқа-ришда коммунистлар активли-гини ошириш мақсадида пех партия ташкилотларининг сони ўн биттага етказилди. Комму-нистлар сафи ўн тўрт кишига ўсди. Ҳозирги пайтда совхоз

партия ташкилотлари-да ҳисобот-саноот йиғилишлари

партия ташкилоти ҳисобида 174 КПСС аъзоси ва 1-4 аъзо-ликка кандидат бор.

Ҳисобот даврида коммунист-ларнинг сийси онини оши-риш ва уларни маркча-ленни-ча назарий билан қуроллан-тириш соҳасида ҳам озма-қўли-ни қилинди. 10 та сийси мактабда 219 коммунист ва партияси актив ўз билимини оширди. Совхоз меҳнаткаш-лари ўртасида 25 агитатор, 42 сийси ахборотчи қизиқарли

мавуларда суҳбатлар ўтказиб келди.

Лекин совхоз партия ташки-лоти қўраётган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам қўзланган сема-раларни бермапти. Буни хў-жалик ҳаётидаги мисоллардан аёнқол кўриш мумкин. Бир не-ча йилдан бери бу ерда пахта тайёрлаш пилини бакармап-ти. Социалистик мулкнинг та-ло-тороғ қилинишига йўл қўйилмоқда. Ўтган етти ой мо-байнида чорвачиликдан салкам 90 минг сўмлик зарар кўрилди. Совхозда йиллик сўт топи-риш пилининг бакарлиши ҳозир хавф остида турибди. Бу камчиликларнинг ҳаммаси хўжаликка партия раҳбарлиги-нинг суйайиб кетганлиги нати-жасида содир бўлапти.

Яна шу тараф ажабланир-лик, совхознинг айрим пех партия ташкилотларида ком-мунистлар сафини ўстиришга етарлича этибор берилмапти. Сўнгги икки йил давомида 4 ва 6-бўлимларда бирорта ҳам киши партия сафига қабул қи-



М. РҲЗИМАТОВ, Т. УМУРЗОҚОВ, Бекобод райони.

Янгиликлар, хушхабарлар

БАЙРОҚДОР АЛОҚАЧИЛАР

Шаҳар алоқа тармоғи кол-лективи пойтахт областида ил-горлардан ҳисобланади.

Иван Гуцалов бошлиқ алоқа-чилар эса бир неча йилдан бери области алоқа бошқарма-сининг кўчма Қизил байроғи-ни олиб келмоқдалар. Бу йил ҳам шундай бўлди.

КПССнинг янабатлаган XXIV съездин муносиб меҳнат со-ғалари билан кутиб олишга бел боғлаган чирчиқлик алоқа-чилар иккинчи квартал пла-нини муддатидан олдин адо-етишгани ҳамда аҳолига наму-нали хизмат кўрсатишгани учун области алоқа бошқар-маси ва алоқа ходимлари об-ласти касаба союзи комитети-нинг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар.

800 ҲУВЧИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАКТАБ

Тўртинчи миқрорайон Чир-чиқда кенжа даҳалардан ҳи-собланади. Бир вақтлар таш-ландиқ, қаровсиз ётган бу ер-ларда ҳозир қурилишлар аж-олириб юборилган. «Гўнча» тикув фабрикаси, 12-хунар-тех-ника билим юрти, 30 га яқин

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Совхоз коммунистларининг аяндида бўлиб ўтган оқиқ партия йиғилиши КПСС Марказий Комитети июль Пленуми аян-лари ва хўжалик коллективни олдидан турган вазифалар муҳи-масига бағишланди.

Бу масалани биз олдинроқ пех партия ташкилотларида му-ҳомама қилиб, Пленум қарорла-ри асосида конкрет тадбирлар белгиланган, эдик, Умумий пар-тия йиғилишида эса белгилан-ган тадбирларни бакарниш юза-сидан маслаҳатлашиб олдик.

Барча коммунистларимиз партия даъватига амалий ил билан жавоб берди. КПСС XXIV съездин совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш ҳолда кутиб олишни биринчи гадаги вазифа, деб билдилар. Айни пайтда улар йил бошида олдинги мажбуриятга бир қатер қўшимчалар киритдилар. Бир овоздан йил бошида мўлжал-ланганига қўшимча равишда 500 тонна узум, 500 тонна ме-ва, 50 тонна сабзавот, 50 цент-нер сўт, 20 центнер гўшт тай-ёрлашга ҳамда давлатга топи-ришга қарор қилинди. Партия мажлиси меҳнаткашларнинг сий-сий активлигини янада ошириш, бригада ва звеноларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитети июль

Пленуми қарорларини омма ўр-тасида кенг пропаганда қилиш юзасидан муҳим тадбирлар бел-гиллади.

Йиғилишдан сўнг ишларимиз яна ҳам жонланиб кетди. Ҳозир совхоз партия ташкилоти, барча коммунистларимиз КПСС Мар-казий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашмоқдалар. 80 сийси ташкилот, 16 сийси ахборот-чи ва 41 агитатор совхоз ишчи-лари орасида тушултириш иш-лари олиб бормоқда. Бошланч «Билим» жамияти совхоз ишчи-лари ўртасида 40 марта лекция ва суҳбат ўтказди.

Партияимиз белгиланган тад-бирларни амалга оширишда сов-хозимизда чиқиб турган «Бог-бон ва соҳибдор» деворий газе-таси саҳифаларидан ҳам унум-ли фойдаланмоқдамиз. Газета «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз» шiori ости-да меҳнаткашлар ҳаётининг опе-ратив еришиб бормоқда. Бўлим ва бригадаларда чиқиб турган жанговар варақалар ҳам ишчи-лари социалистик мусобақа ил-горларига тенглашишга даъват этиш билан бирга қолоқларни аёвсиз танқид остига олмақда.

Меҳнаткашларини янги зафар-ларга қорлашда кўргазмалли агитация воситалари ҳам қўл келмоқда. Дала шипонлари ҳамда йўл бўйларига бри-гада ва бўлим коллек-тивларининг бу йилги мажбури-ятлари кўзга аёнқол кўринадиган қилиб ёзиб қўйилган. Жанговар чаридиқ ва широрлар ишчиларини унумли меҳнат қилишга, вақт-дап ютишга, ички ишкомпантлар-ни тўла ишга солишга ундамоқ-да.

Совхоз партия ташкилотининг



РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти саноат корхоналарида КПСС XXIV съезди шарафига социалистик мусобақа кун сайини қи-зиб бормоқда. Ана шу умулхалқ мусобақасига қўшилган «Ташселмаш» заводининг аҳил коллективни меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Ушбу суратларда заводнинг тоқари Муҳиддин Ғанихонов (юқоридан), йиғув дехининг ил-гор ишчиларидан (чапдан) Э. Меджитов, С. Насиев ва А. Алмуродов (ўртадан), тайёр машиналарни жўнатиш пункти-нинг ишчиларидан (чапдан) В. Волков, В. Егоров ва В. Ри-жов (пастдан) ўрқотқарини кўриб турибсиз. Улар нормани доим ошириб бакарнишпти. А. Тўраев фотолари.



СУРАТДА: Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йиғирув фабрикасининг илгор ишчиларидан (чапдан) Нури Қасимова ва Шоҳид Салимова ўрқотқарини кўриб турибсиз. Улар кўнлик нормасини 110-115 процентдан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишпти. Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

НУРХОНА БАРВАҚТ ҚУРИЛАДИ

«Биринчи агрегатни лешинча ГЭЗПРО шлангини эллик йиллик кўнликка ишга туширамиз!» — кўн-ликни кишилик бинокорлар ва мо-наткичлар коллективимиз ҳозир ана шундай шiori остида меҳнат қилмоқда.

Белгиланганига мувофиқ би-ринчи агрегатни келгуси йилда фойдаланишга топиришимиз ке-рак эди. Лекин, бинокорларимиз КПСС XXIV съездин муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган умул халқ ҳаракатига қўшилиб, элми-ларига янги мажбурият олди.

Эндиликда ҳаммамиз куч-гайра-ли, билими ва тажрибаси ана шу вазифани муваффақиятли бажа-ришга сафарбар этилган.

Чорвоқ гидроэлектрлини респу-блика халқ хўжалиги учун аҳа-мияти беқиссиз. Чирчиқ дарёси-да қурилаётган Чирчиқ янги та-дбирлар кўрилди, оммавий-сий сий ишлар олиб борилади. Булар-нинг натижаси жуда яхши бў-лмақда.

Масалан, қурилишнинг би-ринчи синчиқлаб таҳлил қилиш натижасида барча меҳнаткаш-лардан фойдаланишнинг бригада ме-тодини жорий қилишда афзаллик-лар кўн экинлик маълуи бўлди. Шундай қилинганда машина ва меҳанизмлардан бутун иш вақти давомида унумли фойдаланиш мумкин экан. Қарьёра ва тўғон-да ишлаётган экскаваторлар, шунингдек ўн беш—ўн олти ав-томашинадан ташкил топган бри-гадларнинг тузилиши иш кўрсат-кичларини анча яхшилди. Эска-ваторлардан фойдаланиш норма-латига қараганда ўн тўрт процент

лайди. Бу янгиликни қўлланш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мувофот системасини жор-ий қилиш тўғрисида бир ойда уш-бу секцияни қўздан чиқариш мумкин бўлмақда. 1967—1969 йилларда эса бир ойда фақатгина битта секция қурилди.

«ЧарвакГЭСстрой» комсомол комитетининг ажойиб бир ташаб-буси ер ва тоғ ишлари суратла-рини анча оширишга ердан бер-ладим. Комитет энг яхши эска-ваторчи, бульдозерчи ва шифер номини олиш учун мусобақа э-лон қилди. Автомашиналар груп-палари учун экскаваторлар, ту-проқшағални тўқини жойи ақра-тидди, назоратчилар қўйилди. Катта намойиш тахтасида ҳар со-датига қараганда ўн тўрт процент

ишчи ҳақида хабар бериб турил-пти. Мусобақа натижалари кўн-ликдан ҳам яхши бўлди. У омма-вий тус олди. Ишда рекорд кўр-саткичларга эришилди. Мусоба-қа илгорларига тантанали сурат-да ерилар ва қимматли муко-фотлар топирилди.

Экскаваторчи ўрқот Ш. Заги-дулин ўз касбдошлари ўртасида энг моҳир деган ном олди. У «ЭКГ-4.6» экскаватори билан бир сменада 2500 кубометр ту-проқшағал ортиди. Илгари унинг ўртача кўрсаткичи 1300 кубо-метрдан ошмасди. Бульдозерчи-дан Ф. Абдурахмонов ва М. Мей-сейтов ўрқотлар сменада 2400 кубометр тупроқшағални қабул қилдилар ва тўғон устига ётқи-зилди. Илгари эса нари борганда 1400 кубометр тупроқшағал иш-ларини бакаршарди. Шиферчи-дан В. Омечник ва Н. Данил-кин уч километр масофа орали-гда одатдаги 17-20 ўрғига 30 мар-тадан қатнашди. Комсомоллар-нинг ташаббуси анчагина резер-варни аниқлаш имконини берди.

Барча коллективимизнинг фи-докорона меҳнати тўғрисида шу

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АЖОИБ ДУРАГАЙЛАР

Подимер билан металнинг пилиқ «иттифода» янги техника учун қимматли мате-риаллар яратилди. Бу ажойиб дурагайлар электр тоқини ўт-казиш, қувчи магнитлаш, химиявий реакцияларни тез-лаштириш, машина узеллари-даги ишқаланишларни юлти-да намойиш юбориш қобилия-тига эга.

Бу янги материаллар ме-талларнинг коллоид зарралари билан полимерларга киритиш йўли билан вулдуға келтири-лади. Натияжада пилиқлиги ва иссиқликка бардош бериши оширилган, солинмирига вази-он ва эластиклиги яхши бўл-ган модала ҳосил бўлади.

Тола ҳосил қилувчи электр ўтказадиган металлполимерлар шу янгиликлар орасида этиб-борга сазовдор. Улар исси-қумуш, никель қобалт, те-мирнинг органик ёки анорган-ик бирикмалари муҳитида капронни термик парчалаш

методи билан тайёрланади. Одатдаги йиғириш машина-ускунасида шундай қотишма-дан электр ўтказиш ва ферро-магнит хоссаларига эга бўлган металлполимер тола олиш мумкин.

Кремний органик бирикма-лар ва темир асосида тайёр-ланган металлполимерлар го-ят аниқ катализаторлар бў-либ чиқди. Улар аммиак сий-тез қилишда ишлатилиши мумкин.

Дурагай материалларини иш-лаб чиққан авторлар—Укра-нин ССР Фанлар академияси коллоид химия ва сув химия-си институтининг ходимлари билан бирга янги классдаги антифрикцион модалар ярат-дилар. Бу модалар фтороп-ласт билан қўроқшин, фтор-каучук қўроқшин ва қалайи, шунингдек фторопласт билан қалайли бронза заминида ҳо-сил қилинди. Ажойиб дура-гайлар целисий ҳисоби билан 400 градусгача қизилришга бардош берган ва ўзининг янги ҳоссаларини йўқотмайди.

ИХЧАМ ЭЛЕКТРО МАШИНА

Клависла янги электр ҳи-соблаш машинаси кўплай бо-лаб чиқарила бошладилар. У план-экономика ҳисоб-китоб статистика ҳамда ишкерилик ҳисобларини механизациялаш-та мўлжалланган. Столга қўй-либ ишлатилган электрон ҳисоблаш машинаси ихчам ва кўрнамдир.

Машинада қўлиш, аяйриш, қўпайтириш, бўлиш, кватрат илдиридан чиқариш бир лаҳза-да ва автомат тарзда бақча келтирилади. Машина 16 хо-нали бутун ва каср сонлари билан амаллар бакарга олади.

Бешта регистр ва улар ўр-тасидаги яхши ўйлаб тузилган маълумот алмашаш система-си ҳатто мураккаб ҳисоблаш ҳал қилинаётганида ҳам ора-лиқ натижаларини ёзиб қўй-ди. Машина ишлатилиши қўн-лик беради. Бу жуда қўлайдир.

Машинани ишлатиш қўн-лик амас, унинг схемаси ярим ўт-казич элементлар билан ишланган.

(ТАСС мухбири).



Студентлар шаҳарчаси йил сайини гузаришда бормоқда. Осмонлар янгида-янги ўқув корпуслари, равион йўллари, ариқ чеккаларига экилган кўмжук дарахтлар киши кўзини қувонтиради. А. АБЛАЯН фотоси.

ҚУРУВЧИ—СОЛДАТ

Нурмат ҳарбий хизматга қа-
тиб қўйилганда, аскарликнинг ма-
шарқатларини ҳаёлига ҳам кел-
тирмаганди.
У бирон қисмга бориб туша-
ман-у, беш-ўн кундан кейин
милитсия олиб, жанговар машгу-
лотларга киришиб кетаман
деб ўйлаганди. Бироқ, бу ора-
си бўлимади. У ҳарбий қури-
лиш бўлимига келиб тушди.
Дастлабки жанговар машгу-
лотлардаёқ, аскарликнинг ни-
малгини ҳис этди. Ҳатто эр-
таси кунга оёқ-қўлини ололма-
ди. Сафда турганида бирон
қадам қўйишга чоғи келмайдиган
қандай лоҳас сезди. Бироқ,
командирнинг «Қадамлар юр!»
деган буйруғи янграши билан
бир сояга барча чарчокларини
ушатиб ҳамма билан баробар
юрини, лозим бўлса югуриши
керак.
Аскар эса на чарчокчи, на
проласеяликни билиши керак.
Ушуг Ватан уруши йилларида
мана шу одилгина «Олга юр!»
деган буйруқ билан жангчи-
лар ёв устига шердек ташлан-
ганлар. энди у ҳам шу буйруқ
билан тинчлик пости сари қа-
дам қўяпти.
Эндиликда у оддий қурувчи
эмас, балки ҳарбий-қурувчи.
Бу фахрли ном унинг зимма-

ШУНАҚАСИ ХАМ БЎЛАДИ

ТЕНГСИЗ ОЛИШУВ
Кенса липа дарахтига лайла-
лар уя қуришганига анча вақт
бўлган. Ёз ойлари бола очиб,
қандай иссиқ ўқиларга учиб
кетишди. Апрельда эса кушлар
қайта учиб илалди. Биз
уларга жуда ўрганиб қолган-
миш...
Иссиқ кунларнинг бирида но-
маълум сабабга ийра баланд
уядан эндигина темир қанот
чиқарган тўрт половон йиқилиб
тушди. Биттиси шу заҳотиёқ но-
буд бўлди, утаси эса тирик қол-
ди.
Кушчалар шу нуни тунни то-
ғилдиРАК УСТИДАГИ ОИЛА
Дон қабул қилувчи пунктга
келганимизда, нимидир шофер
Чесноковдан, «қуш, йўловчилар-
нинг аҳоли қалай?» деб сўраб
қолган мулоҳизага чамиди.
Уйлаб қолдик. Оренбург йўл-
ларида дон ташитган ленинград-
лик қайдоқчиларнинг қандай
йўловчилари бўлиши мумкин.
Маълум бўлишча 34—38 но-
мерли машинада чумчулар он-
ласи «йишаркан».
Машина бирон бир жойда
тўхтади дегунча, қабина билан
кузов орасига ин қўйган чум-
чулар учиб чиқишаркан. Олег
Чесноков бу воқеадан сафарга
отланги арафасида бохабар бўл-
ди.
Биз ҳарбий қурувчи Нурмат
Тошматовнинг айрим фазилат-
ларини тилга олиб ўтдик.
Унинг бўлимида КПСС
XXIV съездининг муносиви кутиб
олиш узун қўшимча социалис-
тик мажбурият қабул қилди.
Ўйлашимиз, бўлимиа коман-
дир, младший сержант Нур-
мат Тошматов ва унинг бў-
лимида қурувчилари бу маж-
буриятни ҳам шараф билан адо
этишди.
Э. УСМОНОВ,
Н.ҚИСИ.

ЮБИЛЕЙ МУШОИРАСИ

В. И. Ленин номи Ташкент
Давлат университетиди янгида
университетнинг 50 йиллигига
бағишланган мушора бўлиб ўт-
ди. Унда шу илм даргоҳида тах-
сис қўрган шоирлар иштирок
этишди.
Шоирлардан Асқад Мухтор,
Қуддус Муҳаммадиев, Зоҳид-
жон Обидов, Гулчехра Жўрае-
ва, Жуманёз Жабборов, Абду-
раззоқ Абдурашидов, Абдулла
Орипов ва Ҳалима Худоберди-
евалар янги шеърларидан ўқиб
берди.
Жуманёз Жабборов ўқитув-
чилар коллектини ва талаба-
ларни университетнинг 50
йиллик тўн олдида қизгин
табриклар, бу улкан илм ха-
зинасига бағишлаб эзган шеъ-
рий табири мактубини ўқиб
берди.
Мушора студентларда катта
таассурот қолдирди.
М. КАРИМОВ,
ТошДУнинг 2-курс сту-
денти.
Редактор
А. ИСМОИЛОВ.
«Сельская жизнь» дан.

Совет шахматчилари пешқадам

Германия Федератив Республикаси-
нинг Зиген шаҳрида давом
этиб турган шахмат олимпиа-
дасида СССР командаси олдинги
ўттиб олди. Совет шахматчилари
АҚШ командаси билан бўлган
муҳим ўйинни 2.5:1.5 ҳисобида
ўз фойдаларига ҳал қилди. Ко-
мандаларига ғалаба келтирган бир
очкони жаҳон чемпиони Спасский
олиб берди. У Америка гротмейс-
тери Фишерни 39-йўрида енгди.

Жаҳон волейбол чемпионатида

Болгарияда бошланган эркак ва
хотин-қиз волейболчиларнинг жа-
ҳон чемпионати 24 мамлакат
спортчиларини йинди. Команда-
лар тўрт гурпга бўлиниб дастлабки
мусобақаларни бошлашди. Аёл во-

Футбол майдонларида

● Тошкенткабель заводи фут-
болчилари физкультура коллеж-
тилари орасида СССР кубоги
нинг чорак финалига чиқдилар.
Ўзбекистон «СР» кубоги эгаси
Благошевскийдан келган «По-
лиграфич» коллективини 3:2 ҳи-
собида ютди. Ҳал қилувчи тўл-
қушма вақтда 11 мейдан ки-
ришти. Эртдаги кейин «Тош-
кенткабель» фахрий мукофот учун ку-
рашни «Геолог» командаси майд-
ониди давом эттиради.
● «А» классы биринчи гурпга
пешадамлари навбатдаги турда
муваффақиятсиз қатнашди.
«Қайрат» ва «Карпати» илгари
хабар берганимиздек ўзаро уч-
рашиб дуранг қилишган эди.

Ким чемпион бўларкин?

Клуб командалари ўртасида
Ўзбекистон чемпионати ҳал қи-
лувчи паллага кирди. Дастлабки
босқич ўйинларида ўз гуруҳида
ғолиб чиққан Тошкент армиячи-
лари, «Ташкенткабель», «Мехнат»

ИБРАТЛИ УМР

Инсонга икки нарса қанот
бағишлайди: бири оруз бўлса,
иккинчиси меҳнат. Ёшларнинг,
ҳар бир киши орузи йўлида
тизим изласа, меҳнат қилса
мудрога етади.
Амин жўқини дарёлар йўли-
ни ўзгартириб, ушун исон аж-
рига бўйсундириш, ийрик-йи-
рик гидротехник иншоотлар
қурилишида ишлаши усмир-
лигаёқ оруз қиларди. Ана
шу оруз уни Ленинграддаги
политехника институтига ет-
казди.
1937 йили Амин Мухамедов
ўқув даргоҳини илмий диплом
билан тугатди. У инженер-гид-
ротехник бўлиб жоманон
шаҳрига қайтди.
Еш инженер-гидротехник
ўзининг илк кадамлари Тош-
кентдаги Оқтепа ГЭСи қурили-
шида бошлади. У бу ерда
аввалига прораблик лавозими-
да ишлаб, қимматли фикр ва
ташаббуслари билан ГЭС бу-
ёдкорлари орасида обрў-ху-
рмат қозонди.
Ушуг Ватан уруши бошлан-
ганида А. Мухамедов СССР
Фанлар Академияси сув ҳужа-
лиги проблемаларини ўрганиб
чиқувчи илмий муассасанинг
аспиранти эди. Уруш йиллари
у ўқини вақтинча тўхтатиб
меҳнат жабаҳисига йўл олди.
Тошкент қанали, Фарҳод ГЭСи
қурилишларида ишлади.
Амин Мухамедовнинг илмий
фаолияти асосан 1945 йилдан
бошланди. Отоқли олим, про-
фессор С. Т. Алтунин раҳбар-
лигида бир гуруҳ инженер-гид-
ротехниклар дарё оқинларини
тартибга солиш масалаларини
ўрганиб чиқишгаётган эди. Уш-
а вақтларда А. Мухамедов ҳам
улар сафига қўшилиб қатор
илмий тадқиқот ишларини олиб
борди, айни вақтда аспиранту-
рада ўқилиш давом эттирди.
1949 йил ёш олим ҳаётида
қувончли юксак юз берди. У
техника фанлари кандидати
унонини олишга муваф-
фак бўлди. Шундан сўнг А. Мух-
амедов республикадаги қатор
илмий муассасаларда ишлаб,
ўз соҳасини атрофича ва чу-
қур ўрганди.
1966 йилнинг май ойида
олимига техника фанлари до-
кторлиг унони берилди. Унинг
докторлик диссертацияси Ит-
тифоқнинг ва хорижий мамла-
катларнинг ийрик мутахассис-
лари томонидан юксак баҳо
олди.
Олим А. Мухамедов томон-



дан ўтказилаётган тадқиқот
ишлари ҳалқ ҳўжалигига катта
роль ўйнамоқда. У Ўрта Осиё
дарёларидаги насосларнинг та-
биий шартини ва гидроузел ку-
билганида сув оқини ҳазир-
ишдаги ҳолат ҳаққатини
ўрганиш бўйича кенг миқёсда
тадқиқот ҳаққатини олиб
барди. Текшириш ишлари
Зарафшон дарёсидаги 1 Май
Чирчиқ дарёсидаги Ҳазрат
тўғонларида, шунингдек рес-
публикадаги янги ўзлаштири-
лаётган жойларда олиб борил-
ди. Тадқиқотлар мобайнида
олим томонидан гидроузел ин-
шоотларининг бир сўрада иш-
лаш тартиб, уларнинг қуни
ва юқори томонлари (дарё
ўзлавлари) оқини гидравликаси,
турли тармоқ ва конструктив
элементларнинг ўзаро боғлан-
иш проблемалари ўрганиб чи-
қилди.
Олимнинг илмий хулосалари
унинг турли мақолаларида баён
этиб берилган. Шу кунга қадар
А. Мухамедов 40 дан зиёд
илмий мақола ва гидротехника-
меллиорация масалаларига ба-
ғишланган қатор рисоалар
ёзд. Айниқса «дейгш» (дарё
қирғоқларининг юзлашми)
масаласига бағишлаб яратил-
ган илмий мақола олим-
лар диққатини ўзига жалб
қилди. Шу масала ҳусусида
олиб борилган ишлар гидрав-
лика бўйича илмий текшириш-
лар олиб борушчи халқаро
ушум-МАГИнинг XI конгрес-
сида олим қилган докладда ўз
асини топди.
Техника фанлари доктори,
профессор А. Мухамедовнинг
номи Иттифоқнингиздаги эмас,
балки айни дарёда Европа,
Америка, Осиё ва Африка
қитъаларидаги мамлакат-
ларда ҳам ҳурмат билан тилга

Реклама ВА Эълонлар

Театр
НАВОНИЙ НОМИЛ ҲАЗРЕТ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-
ДА — 24/IX да Жинзель, 25/IX да
Севги тумори.
ХАМЗА НОМИЛ ҲАЗРЕТ ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
24/IX да Олтин девор, 25/IX да
Улмидан кучли.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—
Совет Иттифоқи ва Болгария
цирни усталарининг хайрашув
гастроллари. ЎРАТИЛГАН АРС.
ЛОНЛАРИНИ КАТТА АТТРАКЦИ-
ОНИ, Ўргатувчи — РСФСРда хиз-
мат қўсатган артист ВЛАДИМИР
БОРИСОВ. (Тошмашар неч соат
8 да бошланади, Шанба кунлари:
кундуз соат 3, кеч 8 да; яшан-
ба кунлари: кундуз соат 12,3 ва
кеч 8 да тошмашар қўсатилади.)
Кино
ҚИШКИ БИНОДА
Асунта, бехато оти — «ДРУЖБА»,
«СПУТНИК» «ЧАЙКА» (кундуз ва
кечурун), «МОСКВА» (кундуз
соат 12, 4 ва кеч 7 яримда).
Колонна — «ЎЗБЕКИСТОН»,
«ВОСТОК» (кундуз соат 12, 3
ва кеч 6 да).
Гамилтон хоним — «КОМОС»,
МОЛ 30 ИЙЛИГИ» (кундуз ва
кечурун).
Малина — «ЎЗБЕКИСТОН 25
ИЙЛИГИ» (кундуз ва кечурун).
Сайка — НАВОНИЙ номил (у-
бек тилида, кундуз ва кечурун).
Анулама — САНАТ САРОНИ
(кундуз ва кечурун).
Парадалле — «ЧАЙКА» (арта-
лаб соат 10, кундуз 3.15, кеч
8 яримда).
Графиня Косель — «МОСКВА»
(кундуз соат 1 ярим ва кеч 9 да)
«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечу-
рун).
ЕЗГИ БИНОДА
(Неч соат 8 ва 9.40 минутда
бошланади)
Асунта, бехато оти — «ФЕСТИ-
ВАЛЬ».
Колонна — «ХИБА».
Отанинг сафарни — ТЕЛЬМАН
номи, «РАКЕТА».

ХАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН
ОРДЕНИ ҲАЗРЕТ ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
24, 27, 30 СЕНТЯБРДА
Эркин ВОХИДОВ
«ОЛТИН ДЕВОР»
3 пардали комедия
Сажнага қўювчи режиссёр—
Ўзбекистон ССР халқ артисти,
Хамза ва А. Тўқай мукофоти
лауреати Т. У. ХУЖАЕВ.
СПЕКАКЛДА: Ўзбекистон
ССР халқ артистлари: Ф.
АБЗАМОВ, А. ТУРДИЕВ, С.
ОЛИМОВ, С. КАРИМОВ, Т.
ШУКУРОВ;
Ўзбекистон ССРда хизмат
қўсатган артистлар: Р. ИБ-
РОХИМОВА, С. НОРБОВА, Т.
ХОНТУРАЕВ ва бошқалар
намуналар.
Спектакл неч соат 8 да
бошланади.
Коллектив бўлиб кўриш
учун залларни қабул қилина-
ди.
Ўзбекистон ССР Министрлар
Советининг таъминот Бош
бошқармаси ҳузуридаги
«ЎЗГЛАВРАЗНОСНАБЕНТ»
ПАХТА ИЙИМ-ТЕРИМИДА
ИШТИРОК ЭТАДИГАН ТОШ-
КЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ
ШАҲРИ ТЕРРИТОРИЯСИДА
ЖОЯЛАШГАН ХАММА ТАШ-
ҚИЛОТ ВА ҚОРХОНАЛАРГА
МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ
«ХУЖАЛИК МАДАНИЯ МОЛ-
ЛАРИ» МАГАЗИНИ
пахта йиғим-теримига чиқа-
диган ишчи, хизматчи ва сту-
дентлари таъминлаш мақса-
дида: иссиқ кийим, иш оёқ-
кийими, урин анжонлари,
краватлар (раскладушка), хў-
малик ва музина молларини
пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ
ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИ,
МИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
«СПЕЦИОДЕНДА» — Гагарин
кўчаси, 40-уй;
«ХОЗУЎЛ ТОВАРЫ» —
«Халқлар дўстлиги» проспек-
ти, 6 квартал, 2-уй.